

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛХАЕВ ТОЛИБЖОН ДОЛИМЖОНОВИЧ

**ИОН АЛМАШИНИШ УСУЛИДА ОЛИНГАН АММОНИЙ ВА КУМУШ
РУСУМИДАГИ МИКРОҒОВАКЛИ ПЕНТАСИЛ ТИПИДАГИ
ЦЕОЛИТЛАРИНИНГ АДСОРБЦИОН ВА ТЕРМОДИНАМИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган–2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Абдулхаев Толибжон Долимжонович

Ион алмашилиш усулида олинган аммоний ва кумуш русумидаги
микроғовакли пентасил типидаги цеолитларининг адсорбцион ва
термодинамик хусусиятлари 3

Абдулхаев Толибжон Долимжонович

Термодинамические характеристики микропористых пентасильных
цеолитов, полученные ионообменным методом в аммонийной и серебряной
формах 29

Abdulkhaev Talibjon D.

Thermodynamic characteristics of microporous pentasil zeolites obtained by ion
exchange method in ammonium and silver forms 55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛХАЕВ ТОЛИБЖОН ДОЛИМЖОНОВИЧ

**ИОН АЛМАШИНИШ УСУЛИДА ОЛИНГАН АММОНИЙ ВА КУМУШ
РУСУМИДАГИ МИКРОҒОВАКЛИ ПЕНТАСИЛ ТИПИДАГИ
ЦЕОЛИТЛАРИНИНГ АДСОРБЦИОН ВА ТЕРМОДИНАМИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган–2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновация вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.DSc/K169 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институти ва Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.nammti.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Қулдашева Шахноза Абдулазизовна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Боймирзаев Азамат Солиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Акбаров Хамдам Икромович
кимё фанлари доктори, профессор

Абдукамалова Азиза Бахтияровна
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё технология институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «11» декабрь соат 14⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71, e-mail: niei_info@edu.uz).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (251-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71.

Диссертация автореферати 2023 йил «28» ноябрь куни тарқатилди.
(2023 йил «28» ноябрдаги № 7 рақамли реестр баённомаси)

О.К.Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.Ш.Шерқўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

А.С.Боймирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда чиқинди газлардаги зарарли моддалар миқдорини назорат қилувчи ва уни тартибга солувчи Евро-6 экологик стандартига мос келадиган сифатли ёқилғи хомашёларини олишда, юқори сорбцион хусусиятга эга синтетик цеолитларни ишлаб чиқишга бўлган талаб йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу цеолитлар бирламчи табиий хом ашё, яъни табиий ёқилғи газларини чуқур тозалаш хусусияти билан бошқа усуллардан фарқланади. Сўнгги ўн йилликларда жуда кўп миқдорда турли хил ёқилғи турларини, жумладан кўмир, ёғоч, биогазлар, шунингдек табиий газни ёқиш атмосферада иссиқхона гази бўлган карбонат ангидрид миқдорининг ошишига олиб келмоқ. Шу сабабли юқори сорбцион хусусиятга эга ва табиий газларни тозалаш учун зарур бўлган цеолитларни синтез қилиш ва ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда бутун дунёда нефт ва нефт маҳсулотлари, табиий газлар таркибини турли қўшимчалардан тозалашда, ҳамда уларни қуритишда ишлатиладиган синтетик цеолитлар олиш бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада юқори сорбцион хусусиятга эга цеолитлар синтези учун мос келувчи дастлабки хом ашёларни танлаш; синтетик цеолитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш; синтез қилинган цеолитларнинг физикавий хоссаларини, физик-кимёвий, энергетик хусусиятларининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш; уларнинг фаол катализаторлик, адсорбцион хусусиятлари ва кристалл структура ғовақларини тузилиши, фаол марказлари сони ва миқдори, кучи ва табиатини аниқлаш; олинган цеолитларда турли адсорбатларни сорбцион жараёнларини адсорбцион микрокалориметрик тадқиқот усулида асосий термодинамик тавсифларини аниқлаш, ҳамда сорбцион механизмларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамалакатимизда газ ва нефт кимёси саноатини жадал ривожлантириш, янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, рақобатбардош маҳсулотларнинг турлари ва ҳажмининг кенгайишига олиб келмоқда. Бунинг натижасида табиий газларни чуқур тозалашда ва синтетик цеолитларни олиш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида учинчи йўналишида «Нефт-газ соҳасида трансформация жараёнларини жадаллаштириш орқали табиий газ таъминотида ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган ҳолда бозор механизмларини жорий этиш»¹ вазифалари белгиланган. Бу борада, жумладан юқори самарали адсорбцион хусусиятга эга синтетик цеолитлар олиш ва уларни табиий газларни чуқур тозалашда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805 «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрельдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.²

Юқори адсорбцион ва катализаторли синтетик цеолитлар ассортиментларини ошириш, уларнинг адсорбцион ва катализаторлик хусусиятларини ўрганиш, яхшилаш ва такомиллаштиришга йўналтирилган изланишлар жаҳоннинг етакчи халқаро илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Institute for Mineralogy - Leibniz University Hannover (Германия), Ишимбай ихтисослаштирилган катализаторлар кимё заводи (Россия), International Neutron Centre ILL (Гренобль, Франция), The Institute of Chemical Technology (Испания), HFR-ILL (Гренобль, Франция), Нейтрон тадқиқотлари халқаро маркази (Россия), А.Н.Фрумкин номидаги физикавий кимё ва электрохимия институти (Россия), Кимёвий физика институти (Хитой) да олиб борилмоқда.

Цеолитлар синтези ва уларни ишлаб чиқаришда қўллашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлардан бир қатор натижалар, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: кўшимча макро бўшлиқли (ITQ-37) цеолитлар (The Institute of Chemical Technology, Испания) синтезланган; AP-B, АГН-2, АРТ-1, БАУ ва МеКС углерод субстратларида металлорганик каркас тузилмалари (Физикавий-кимё ва электрокимё институти, Россия) цеолитлар яратилган; синтетик А цеолитларни ($[Li^+_4(H_2O)_4][Al_4Si_4O_{16}]$ -ABW), мавжуд бўлган ва нисбатан арзон хом-ашёлардан оддий усуллар билан юқори дисперсли шакллари олинган (Физика ва органик кимё институти, Грузия); аморфли титан фосфати TiP асосида сорбция материал технология ишлаб чиқилган (Минерал маҳсулотлар ва ноёб элементлар технология ва кимёси институти, Россия).

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи:

<https://www.njtech.admissions.cn>, <https://www.btu.bg/index.php/en/>, <https://www.min.uni.uni-hannover.de>,
<https://www.ishimbaimr.ru>, <https://www.itq.upv-csic.es>, <https://www.ionx.uz>

Жаҳонда турли типдаги цеолитларни синтез қилиш ва уларнинг таркибларини такомиллаштириш бўйича бир қатор лаборатория тажриба ишлари билан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан, уларнинг адсорбцион ва катализаторлик хусусиятларини ва гидрофоблик даражасини ўзгартириш учун цеолитлар таркибига органик гуруҳларни киритиш; органометаллик каркас (MOF) - ноёб хусусиятларга эга янги материалларни синтез қилиш; Beta, A, X, Y, ZSM-5, ZSM-8, ZSM-11, ZSM-12, ZSM-20, ZSM-22, ZSM-23, ZSM-34, ZSM-35, ZSM-38, ZSM-39 ва RUB-13 каби органик SDA ишлатмасдан адсорбентларни олиш технологиясини яратиш; ионли суюқликлардан фойдаланиб янги SIZ-1, SIZ-2, SIZ-3, SIZ-4, SIZ-5 маркали цеолит материалларини синтез қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий олимлардан М.М.Дубинин томонидан сорбцион жараёнларни ўрганишнинг микрокалориметрик тадқиқот усули ҳам йўлга қўйилган. Адсорбцион жараённинг температурага инвариантлик қонунияти асосида турли температураларда олинган изотермалардан микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси орқали олинган қийматлар микрокалориметрик усулда А.Исирикян, Н.Регент ва Г.Рахматқариев томонидан олинган натижалар билан таққосланган.

J.C.Moise, J.P.Bellat, A.Methivierлар адсорбцион калориметр усулларини қўллаб A, X ва Y, Н.Н.Авгуль, А.В.Киселев, Я.В.Мирский, М.В.Сердобовлар NaA цеолитларида сув адсорбциясининг дифференциал иссиқлигини ва адсорбциянинг ўртача тўйинишигача бўлган қисмини ўрганишган. G.K.Xomeritakis, G.Tsaratsisлар гравиметр ва калориметр усулларида ZSM-5 цеолитларида ксиллолар адсорбцияларини ўрганган. Bas Delphine, Goursot Annick, Weber Jacques, Wesolowski Tomasлар ZSM-5 цеолитида карбонат адгидрид адсорбция механизмини аниқлаган. Zhenhao Wena, Daqiang Yanga, Xuan Hea, Yunsheng Lia, Xuedong Zhu ZSM-5 цеолитида бензол адсорбцияси физикавий ва кимёвий хусусиятларини аниқлашган. Wasław Makowski юқори кремнийли ZSM-5 цеолитида n-алканлар адсорбциясини хроматографик усул орқали ўрганган.

Мамлакатимизда бу борада етук олимлардан академик К.С.Ахмедов бошчилигида илмий мактаб вакилларида Э.А.Арипов, А.А.Агзамходжаев, С.С.Хамраев, С.З.Мўминов, С.А.Абдурахимов, С.Н.Аминов, У.К.Ахмедов, Х.И.Акбаров, Г.Р.Нарметова, И.Д.Эшметов, Д.С.Салиханова, Ш.А.Кулдашева, Д.Ж.Жумаева ва бошқалар турли хил кўмир, табиий минерал ҳамда синтетик сорбентлар намуналарида турли моддаларни юқори вакуумли Мак-Бен-Бакра қурилмасида адсорбция изотермалари ва энергетикаларини ўрганганлар. Г.У.Рахматқариев ва унинг раҳбарлигидаги илмий мактаб вакиллари Х.Р.Жалолов, Т.Рахматуллаева, О.К.Эргашев, Ф.Г.Рахматқариева, Ҳ.Н.Бахронов, Э.Б.Абдурахмонов, Й.Ю.Якубов ва бошқалар томонидан A, X, Y ва MFI русумидаги цеолитлар, гил минераллар, аэросил, мусковит, силикагел, рutil ва бошқа адсорбентларни юқори вакуумли адсорбцион-калориметрик қурилмаси ёрдамида сорбцион хусусиятлари, жумладан, адсорбция ва десорбция дифференциал

энтальпияси, изотермаси, иссиқлик мувозанат вақти ва энтропиясини ўрганишган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, аммоний ва кумуш катионли ZSM-5 русумидаги цеолитларда ароматик, n-алканлар, спиртлар, кутбли ва кутбсиз тузилишли молекулаларнинг адсорбция жараёнлари механизми, термодинамик хусусиятлари етарли ўрганилмаган ва улар ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. Булардан ташқари, адсорбция жараёни асосан рентген, хроматографик, спектроскопия усулларда тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, микрокалориметр усулида, яъни бевосита энтальпия ўзгариши ўрганилган илмий тадқиқот ишлари ҳақида маълумотлар кам учрайди.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф-7-010 рақамли «Наноструктурали фожазит русумидаги цеолитлар панжараси юзасида ион-молекуляр кластерларни энергетикаси, тузилиши ва жойлашиши» ва ФА-Ф7-012 рақамли «Полифункционал таъсирли қатор металлларнинг янги аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтези, улар тузилишларининг ўзига хослиги, реакция қобилиятлари ва биологик хоссаларининг илмий асослари» мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади NH_4^+ ва AgZSM-5 русумидаги цеолитларда турли табиатдаги молекулалар адсорбциясининг асосий термодинамик хусусиятлари, изотермаси ҳамда механизмини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Юқори вакуумли адсорбцион-калориметрик қурилма ёрдамида $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ ва AgZSM-5 цеолитларида водород сульфид, метилмеркаптан, триэтиламин, сув, n-гексан, метил ва этил спиртлари, бензол ва орто-ксиллоллар адсорбциясининг асосий термодинамик хусусиятлари, изотермалари ва цеолит ғовақлари ҳажмининг тўйиниш даражасини ўрганиш;

303 К ҳароратда турли табиатдаги молекулалар адсорбциясининг ион-молекуляр комплексларини тузилиши ва миқдорини аниқлаш;

ион-молекуляр комплексларнинг цеолит кристалл панжара матрицасидаги ҳолати, конформацияси ва локализациясини аниқлаш;

адсорбция изотермаларини тадқиқ қилиш, шунингдек уларни микроғовақларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси (МХТН) тенгламалари орқали қайта тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида NH_4^+ ва AgZSM-5 синтетик цеолитлар танлаб олинди ва цеолитларнинг элементар ячейкаси: $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ – $(\text{NH}_4^+)_{1,65}[(\text{AlO}_2)_{1,65}(\text{SiO}_2)_{94,65}]$; AgZSM-5 - $\text{Ag}_{1,72}[(\text{SiO}_2)_{98,3}(\text{AlO}_2)_{1,72}]$ дан иборат бўлиб, ундаги катионлар миқдори мос равишда 0,298 ммоль/г аммоний, 0,302 ммоль/г кумуш катионлари мавжуд бўлиб, адсорбатлардан сув, водород сульфид, n-гексан, метил ва этил спиртлари, бензол, орто-ксиллол, метилмеркаптан, ҳамда триэтиламин олинган.

Тадқиқотнинг предметини кимёвий модификация, физик-кимёвий хоссалар, сорбция, хемосорбция, десорбция, системаларнинг матрицасидаги ион-молекуляр комплексларнинг ҳолати, локализация, дифференциал иссиқлик, изотерма, энтропия ўзгариши ва термокинетикасини аниқлаш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кимёвий, физик кимёвий, микрокалориметрик ва дифференциал термокинетик, шунингдек қиёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида водород сульфид, метилмеркаптан, триэтиламин, AgZSM-5 цеолитда сув, н-гексан, метанол, этанол, бензол, ортоксиллол адсорбциясининг асосий термодинамик тавсифлари (ΔH , ΔG ва ΔS) ва изотермаси олинган ҳамда адсорбция изотермаси микроовакларнинг ҳажмий тўйиниш назариясининг (МХТН) математик тенгламалари асосида исботланган;

ZSM-5 цеолитининг сорбцион ва асосий термодинамик тавсифлари катион ва адсорбат турига боғлиқлиги аниқланган;

$\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида водород сульфид молекулалари аммоний катионлари билан гептамер $7\text{H}_2\text{S}/\text{NH}_4^+$ ҳолатдаги ион-молекуляр комплекс ҳосил бўлиши ва ҳар бир элементар ячейкадаги катионларга ўртача $12\text{H}_2\text{S}/\text{э.я.}$ тўғри келиши исботланган;

триэтиламин молекулаларининг $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида адсорбция дифференциал иссиқлиги ўзгариши цеолит таркибидаги аммоний катиони миқдори ($0,3$ ммоль/г)га боғлиқлиги аниқланган;

Ag^+ катионлари сув молекулалари билан наномер $9\text{H}_2\text{O}/\text{Ag}^+$, юқори сорбцион энтальпия қийматлари тетрамер $4\text{H}_2\text{O}/\text{Ag}^+$ ион-молекуляр комплексга мос келиши ва ҳар бир элементар ячейкадаги катионларга ўртача $15\text{H}_2\text{O}/\text{э.я.}$ тўғри келиши исботланган;

метанол ва этанол молекулаларининг кумуш катионлари билан мос равишда пентамер $5\text{CH}_3\text{OH}/\text{Ag}^+$ ($8,5\text{CH}_3\text{OH}/\text{э.я.}$) ва тетрамер $4\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}/\text{Ag}^+$ ($7\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}/\text{э.я.}$) ион-молекуляр комплексларини ҳосил қилиши аниқланган;

н-гексан кумуш катионлари билан пентамер $5\text{C}_5\text{H}_{12}/\text{Ag}^+$ комплекс ҳосил қилиши, адсорбция изотермаси ва асосий термодинамик тавсифларининг (ΔH , ΔG ва ΔS) максимум қийматлари молекула/катион боғланиши $1,5$ ммоль/г адсорбция миқдоригача мос келиши исботланган;

бензол молекулалари ZSM-5 цеолитининг кумуш катионлари билан тример $3\text{C}_6\text{H}_6/\text{Ag}^+$ ($5\text{C}_6\text{H}_6/\text{э.я.}$) ион-молекуляр комплекс ҳосил қилиши аниқланган;

о-ксиллол молекулалари кумуш катионлари билан димерли $2\text{C}_8\text{H}_{10}/\text{Ag}^+$ ($3,5\text{C}_8\text{H}_{10}/\text{э.я.}$) комплекс ҳосил қилиши, моно $1\text{C}_8\text{H}_{10}/\text{Ag}^+$ комплекси эса юқори энергетик 90 кЖ/моль қийматда адсорбцияланиши билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ZSM-5 цеолитида водород сульфид, метилмеркаптан, триэтиламин, метил ва этил спиртлари, н-гексан, сув, бензол, ҳамда ортоксиллол молекулалари адсорбциясининг асосий термодинамик тавсифлари, иссиқлик

эфекти ва изотерма натижаларидан самарали янги авлод цеолитлари синтезланган;

«O'ZLITINEFTGAZ» AJ нинг физик кимёвий тадқиқотларнинг комплекс аналитик лабораториясида табиий газларни қўшимчалари яъни сульфидли ва нитридли бирикмалар, ҳамда сув ва н-углеводородлардан адсорбция жараёнида ажратиб олиш имкониятларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Замонавий усулларни қўллаш, таҳлиллар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, улар асосида олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда эълон қилиниши, илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилиши билан асосланади, шунингдек давлат амалий лойиҳаларини амалга ошириш, диссертация тадқиқотининг амалий натижаларини ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқлаш ва уларни амалиётга жорий этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти амалга оширувчи адсорбцион-калориметрик тадқиқот иши айна бир температурада олинган физик адсорбция қийматларидан ихтиёрий температурада изотерма олишнинг назарий ривожланиши учун, шунингдек, сорбцион техникада турли аппаратлар ва жараёнлар бўйича амалий ҳисоблаш учун зарурий бўлган ҳамда ўрганилган тизимларнинг асосий термодинамик функцияларини билишга асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли хил молекулалар адсорбциясининг бошланғич соҳасидан тўйиниш босимигача бўлган тўлиқ механизми ва молекулаларнинг фаол марказлардаги катионлар билан ҳосил қилган ион-молекуляр комплексларини ўрганилиши янги сорбентларнинг олиниши ва қўлланиши учун хизмат қилади, ОТМ магистрантларига физик ва коллоид кимё фанидан ўтиладиган махсус курсларида ва мазкур адсорбентлар табиий газ таркибидаги органик, азотли, олтингугуртли бирикмаларидан тозалашда ва қуритишда қўлланилади, ҳамда олинган маълумотлар маҳаллий хомашёлардан турли миқдордаги актив марказли молекуляр ғалвирли синтетик цеолитларни олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори вакуумли адсорбцион калориметрик қурилма ёрдамида адсорбциянинг асосий термодинамик тавсифлари (ΔH , ΔG ва ΔS) бўйича олинган илмий натижалари асосида:

AgZSM-5 русумидаги цеолитлар аналоглари билан газни сувдан тозалаш «O'ZLITINEFTGAZ» AJ да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2023 йил 7 августдаги 05-18-8/623-сон маълумотномаси). Натижада газ таркибидаги сув молекулаларидан тозалаш даражасини 2,9 мг/л дан 1,21 мг/л гача камайтириш имконини берган;

AgZSM-5 русумидаги цеолитлар аналоглари билан газни метилмеркаптан молекулаларидан тозалаш «O'ZLITINEFTGAZ» AJ да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2023 йил 7 августдаги 05-18-8/623-сон маълумотномаси). Натижада газ таркибидаги

метилмеркаптан молекулаларидан тозалаш даражасини 0,8954 мг/л дан 0,00022 мг/л гача камайтириш имконини берган;

AgZSM-5 русумидаги цеолитлар аналоглари билан газни олтингугуртли бирикмалардан тозалаш усули «O'ZLITINEFTGAZ» AJ да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2023 йил 7 августдаги 05-18-8/623-сон маълумотномаси). Натижада, газ таркибини водород сульфид молекулаларидан тозалаш даражасини 2,9 мг/л дан 0,0032 мг/л гача камайтириш имконини берган;

ZSM-5 русумидаги цеолитлар аналоглари билан нефт маҳсулотлари таркибида мавжуд бўлган водород сульфид ва метил сульфид каби қўшимча бирикмалардан, шунингдек метилмеркаптан ва этилмеркаптандан тозалаш усули «Фарғона НКИЗ» МЧЖ да амалиётга жорий этилган («Фарғона НКИЗ» МЧЖ нинг 2023 йил 04 сентябрдаги 01-02/2000-сон маълумотномаси). Натижада, нефт таркибини водород сульфид молекулаларидан 98%, метилмеркаптан ва этилмеркаптан молекулаларидан 93% гача тозалаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро, жумладан 2 та Scopus базасидаги ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг илмий ишлар учун натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 8 та республика ва 5 та хорижий журналларда, жумладан, 1 та Web of Science да нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги келтирилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.


Диссертациянинг «**МFI русумидаги цеолитларининг тузилиши ва сорбцион хоссалари**» деб номланган биринчи бобида, синтетик цеолитларнинг батафсил тузилиши, яъни уларнинг супер бўшлиқлари ва фаол марказларидаги катионлар сони ва жойлашини дунё олимлари турли хил усуллар билан аниқлаганлиги бўйича маълумотлар келтирилган. Бундан

ташқари бу бобда синтетик цеолитларнинг ўзига хос хусусиятлари, юзалар кимёси ва қаттиқ фазаларнинг микроғовак структураси ва уларнинг фаол марказлар билан адсорбцияси ифодаланган.

Диссертациянинг « NH_4^+ ва Ag^+ катионли ZSM-5 цеолитларини ион алмашилиш усулида олиш, NH_4^+ ZSM-5 цеолитида сульфидли ва нитридли бирикмалар адсорбциясининг асосий термодинамик хусусиятлари» деб номланган 2-бобида AgZSM-5 ни олиниши, $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ да H_2S , CH_3SH ва $(\text{C}_2\text{H}_5)_3\text{N}$ адсорбция изотермалари, дифференциал иссиқлиги (Q_d), энтропияси (S_d) ва термокинетикаси (τ) батафсил ёритилган.

AgZSM-5 ни ион алмашилиш усулида олиш AgNO_3 таркибидаги Ag^+ ни цеолитнинг ички ғовакларига киритиш жараёни орқали амалга оширилади. 1,0 г NaZSM-5 цеолити ва 100 мл 0,1М AgNO_3 ёпиқ идишга солинади ва хона ҳароратида 24 соат давомида 2400 айл/минда аралаштирилади. 24 соатлик ион алмашилиш жараёнидан сўнг, AgNO_3 эритмасининг ортиқча миқдорини олиб ташлаш учун дистилланган сув билан 5 дақиқа давомида 3800 айл/минда марказдан қочирма куч билан ювилади. Чўкма устидаги аралашма ажратилади ва AgZSM-5 дан барча ортиқча AgNO_3 ни олиб ташлаш учун яна уч марта дистилланган сув билан ювилади. Сўнг цеолит намликларини йўқотиш учун печда 110 °С да қурилади.

$\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ да H_2S адсорбцияси дифференциал иссиқлиги 1(а)-расмда келтирилган. Адсорбция иссиқлиги графигини 3 та қисмга ажратиш мумкин. Катион-адсорбат боғланишдан иборат бўлган дастлабки 2 та қисмда ҳосил бўладиган экстремумлардаги адсорбция миқдори цеолит таркибидаги катионлар миқдори (0,302 ммоль/г)га боғлиқ равишда ўзгаради.



1-расм. NH_4ZSM цеолитида 303 К ҳароратда водород сульфид молекуласи адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (а) ва изотермаси (Δ -эксперимент қийматлари, \blacktriangle -МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б)

H_2S молекулаларининг $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ да бошланғич адсорбция иссиқлиги 80,5 кЖ/моль га тенг. Цеолитнинг тўйиниши билан энтальпия 45 кЖ/моль гача камаяди, сўнг 0,3 ммоль/г адсорбция миқдоригача ўзгармайди. $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ даги NH_4^+ нинг миқдори 0,298 ммоль/г га тенг. Демак, 0,298 ммоль/г адсорбцияда H_2S ва NH_4^+ моно $1\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$, 0,6 ммоль/г да иссиқлик 60 кЖ/моль гача ортиб $2\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$, 0,9 ммоль/г да 45,5 кЖ/моль гача камайиб $3\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$, 1,2 ммоль/г адсорбция ва 51 кЖ/моль иссиқликда $4\text{H}_2\text{S}:\text{Ag}^+$, 1,5


ммоль/г ва 53 кЖ/моль да $5\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$, 1,8 ммоль/г ва 45,9 кЖ/моль да $6\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$, 40 кЖ/моль ва 2,1 ммоль/г да $7\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$ комплекси билан NH_4^+ ва H_2S нинг ион-молекуляр механизми тугайди. Тўла адсорбциянинг 70% катиондаги адсорбцияга тўғри келади. Кейинги H_2S молекулалари цеолитнинг катионсиз силикалит қисмида адсорбцияланади.

1(б)-расмдан $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида H_2S адсорбция изотермаси эгилувчан эканлиги кўринади. Кичик босимларда H_2S молекулалари цеолит каналларидаги NH_4^+ катиони билан ўзаро кучли таъсирлашади.

$\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида H_2S адсорбция изотермаси МХТН нинг қуйидаги уч ҳадли тенгламаси билан тўла тавсифланади:

$$a=0,9\exp[A/16,25]^3+1,55\exp[A/6,33]^3+0,71\exp[A/1,10]^1]$$

Адсорбциянинг бошланғич соҳасида энтропия (2а-расм) -59 Ж/К·моль дан бошланади ва 0,3 ммоль/г адсорбцияда -3 Ж/К·моль гача ортиб $1\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$, энтропия -82 Ж/К·моль гача камайиб 0,6 ммоль/г да $2\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$, -50 Ж/К·моль ва 0,9 ммоль/г, -70 Ж/К·моль ва 1,2 ммоль/г, -73 Ж/К·моль ва 1,5 ммоль/г, -52 Ж/К·моль ва 1,8 ммоль/г, -85 Ж/К·моль энтропия ва 2,1 ммоль/г адсорбцияда мос равишда кетма-кет тример $3\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$, тетрамер $4\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$, пентамер $5\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$, гексамер $6\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$ ва гектамер $7\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$ ион-молекуляр механизмлар ҳосил қилади.




2-расм. $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида 303 К ҳароратда водород сульфид молекулалари адсорбцияси энтропияси (а), мувозанат вақти (б)

2(б)-расмда $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида H_2S нинг адсорбция мувозанат вақти келтирилган. Бошланғич соҳада 4,5 соатдан бошланади ва 0,3 ммоль/г да 1 соатгача кескин камайиб $1\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$, кейинги H_2S адсорбциясида мувозанат вақти 40 минутгача камайиб 0,6 ммоль/г да $2\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$ комплексини ҳосил қилади. $3\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$ (0,9 ммоль/г да) ҳосил бўлишида мувозанат вақти 1 соатгача ортади. 1,2 ммоль/г адсорбцияда мувозанат вақти 2 соатгача ортиб максимумга эришиб $4\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$, 1,5 ммоль/г адсорбцияда мувозанат вақти 1 соатгача камаяди ва минимум билан $5\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$, 1,8 ммоль/г да 1,7 соатгача ортиб $6\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$ ва 2,1 ммоль/г адсорбцияда 1,5 соат мувозанат вақтида $7\text{H}_2\text{S}:\text{NH}_4^+$ ион-молекуляр механизмларини ҳосил қилади.

$\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида CH_3SH адсорбция иссиқлиги 3(а)-расмда келтирилган. Бошланғич соҳада иссиқликнинг юқори бўлиши CH_3SH молекулаларининг тўғри ва синусоидал каналлар кесишмасида NH_4^+ билан адсорбцияланиш натижасидир.

$\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида CH_3SH нинг дастлабки молекулалари $0,05$ ммоль/г адсорбцияда дифференциаль иссиқлик $36,5$ кЖ/моль га тенг. Тўйинишга мос равишда $0,3$ ммоль/г да 25 кЖ/моль гача кескин камайиб NH_4^+ ва CH_3SH $1\text{CH}_3\text{SH}:\text{NH}_4^+$, иссиқликнинг $1,5$ кЖ/моль га ортиши билан $0,6$ ммоль/г да $2\text{CH}_3\text{SH}:\text{NH}_4^+$, 25 кЖ/моль иссиқлик ва $0,9$ ммоль/г да $3\text{CH}_3\text{SH}:\text{NH}_4^+$ ва 24 кЖ/моль энтальпия ҳамда $1,2$ ммоль/г адсорбцияда $4\text{CH}_3\text{SH}:\text{NH}_4^+$ комплекслар билан 1-координацион сферадаги сорбция жараёни тугайди. Дифференциал иссиқликнинг $1,5$ кЖ/моль га қисман ошиши билан CH_3SH молекулаларининг адсорбцияси 2-координацион сферада, яъни цеолитнинг катионсиз силикалит қисмида сорбцияланиш давом этади. Тўла адсорбция миқдори $1,8$ ммоль/г га тенг.




3-расм. $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида 303 К ҳароратда метилмеркаптан молекуласи адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (а) ва изотермаси (Δ -эксперимент қийматлари, \blacktriangle -МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б)

3(б)-расмда $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида CH_3SH молекулалари адсорбциясининг мос изотермаси келтирилган ва у энергетик маълумотларни тасдиқлайди. Изотерма $P/P_s=0,00105$ ($P=1,6$ мм.см.уст.) ва $0,23$ ммоль/г дан бошлаб чизиқли равишда $P/P_s=0,08$ ($P=120,5$ мм.см.уст.) ва $1,2$ ммоль/г гача абцисса ўқи томон чизиқли ўзгаради. Бу қиймат тетра $4\text{CH}_3\text{SH}:\text{NH}_4^+$ ион-молекуляр комплекс ҳосил бўлишини тасдиқлайди. $1,2$ ммоль/г адсорбция қийматидан сўнг сорбция 2-координацион сферада давом этиб изотерма қисман эгилиш билан яна тик юқорига чизиқли равишда ўзгаради. $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида метилмеркаптан адсорбцияси изотермаси икки ҳадли МХТН тенгламаси билан тўла тавсифланади:

$$a=1,46\exp[A/13,06]^2+0,757\exp[A/3,77]^2$$


Тўйинишнинг бошланғич соҳасидаги $0,11$ ммоль/г адсорбция миқдорида энтропия ўзгариш қиймати $-115,5$ Ж/моль·К га тенг (4(а)-расм). Тўйиниш ортиши билан энтропия кескин $-62,6$ Ж/моль·К гача ортиб $0,3$ ммоль/г адсорбцияда дифференциаль иссиқлик каби биринчи координацион сферадаги дастлабки $1:1$ (молекула/ион) нисбатдаги, яъни мономер $1\text{CH}_3\text{SH}:\text{NH}_4^+$ ион-молекуляр механизми ҳосил қилади. Энтропия 7 Ж/моль·К га қисман ($-55,64$ Ж/моль·К гача) ортиб $0,6$ ммоль/г адсорбция миқдорида димер $2\text{CH}_3\text{SH}:\text{NH}_4^+$ комплексини, $-55,64$ Ж/моль·К дан $-41,3$ Ж/моль·К гача ортиб $0,9$ ммоль/г адсорбцияда тример $3\text{CH}_3\text{SH}:\text{NH}_4^+$, $1,2$ ммоль/г адсорбция миқдорида энтропия -29 Ж/моль·К гача ортиб тетрамер

$4\text{CH}_3\text{SH}:\text{NH}_4^+$ ион-молекуляр механизмини ҳосил қилиб биринчи координацион сферада адсорбция тугайди ва адсорбцияланиш 2-координацион сферада бошланади.



4-расм. $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида 303 К ҳароратда метилмеркаптан молекуласи адсорбцияси энтропияси (а), мувозанат вақти (б)

4(б)-графикда $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида метилмеркаптан адсорбция мувозанат вақти графиги келтирилган. Кичик тўйинишларда сорбцион жараён иссиқлик мувозанат вақти етарлича секин бўлиб 0,11 ммоль/г адсорбция миқдорида 2,4 соатга тенг. Мономер комплекс ҳосил бўлишида иссиқлик мувозанат вақти 1,8 соатгача камайиб, димер комплекс ҳосил бўлишида деярли ўзгармайди. Иссиқлик мувозанат вақтининг қисман ортиши билан тример комплекс ҳосил бўлишида чизиқли равишда 1,8 дан 1,4 соатгача камаяди. Тетрамер комплекс ҳосил бўлишида биринчи координацион сферада адсорбция жараёни 0,5 соатгача секинлашади.




5-расм. $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида 303 К ҳароратда триэтиламин молекуласининг адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (а) ва изотермаси (Δ -эксперимент қийматлари, \blacktriangle -МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар (б))

$\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида триэтиламин адсорбция дифференциаль иссиқлиги 5(а)-расмда келтирилган. $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида триэтиламин тўла адсорбция миқдори 1,6 ммоль/ г тенг. Триэтиламин молекулалари $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитининг юза қисмида адсорбциялансада, 5(а)-расмдан цеолитдаги катионлар миқдори дифференциаль иссиқлик қийматларига таъсирини яққол кўринади. Бошланғич соҳадаги 0,06 ммоль/г адсорбция миқдорига 81

кЖ/моль иссиқлик мос келади. Сорбцион тўйинишга мос равишда дифференциал иссиқлик кескин камаяди, 0,3 ммоль/г адсорбция миқдори ва 52 кЖ/моль иссиқликда поғона ҳосил қилиб, 0,6 ммоль/г адсорбцияда дифференциаль иссиқлик 38 кЖ/моль гача камаяди. Кейинги триэтиламин молекулалари адсорбциясида дифференциаль иссиқлик 5 кЖ/моль га ортади, 0,9 ммоль/г да 43 кЖ/моль га, 1,2 ммоль/г да 41,8 кЖ/моль га ва 1,5 ммоль/г да 37,4 кЖ/моль га тенг. Демак, триэтиламин молекулалари цеолитнинг юза қисмидаги адсорбциясидаги дифференциаль иссиқлиги унинг таркибидаги катионлар миқдори (0,3 ммоль/г) га корреляцияланган қонуният асосида ўзгаради. 1,5 ммоль/г адсорбция миқдоридан кейин иссиқлик триэтиламиннинг конденсация иссиқлигигача камаяди.

Триэтиламиннинг адсорбция изотермаси Ленгмюр тенгламаси ёрдамида таҳлил қилинди (5(б)-расм). Бунда монокатлам сифими $\alpha_m=0,02$ ммол/г, босим оралиғи эса 13,3 дан 86,6 мм.см.уст. гача бўлган энергетик поғона билан тавсифланади. Шунга кўра ҳар бир триэтиламин молекула майдони $\omega_m=0,57$ нм² эгаллаши ва NH₄ZSM-5 цеолитининг ўзига хос сирт майдони $\sim 3,0$ м²/г экани триэтиламин адсорбцияси натижасида олинган.




6-расм. NH₄ZSM-5 цеолитида 303 К ҳароратда триэтиламин адсорбцияси энтропияси (а), мувозанат вақти (б)

6(а)-расмда NH₄ZSM-5 цеолитида триэтиламин молекулалари адсорбция энтропия ўзгариши кўрсатилган. Энтропия ўзгариши умумий ҳолда тўлқинсимон кўринишда бўлиб цеолит сиртида ҳосил бўладиган сорбцион механизми дифференциаль иссиқлик ўзгаришига мос келади. Бошланғич соҳада энтропия -50 Ж/моль·К га тенг бўлиб, тўйинишнинг ортиши билан кескин ортади ва 0,6 ммоль/г адсорбция миқдорида 4 Ж/моль·К га тенг бўлган максимум қийматга эришади. 1,2 ммоль/г да энтропия -18 Ж/моль·К гача камаяди, сўнг дярли чизикли равишда 1,6 ммоль/г адсорбция миқдорида 6 Ж/моль·К га тенг бўлади. Энтропия иккита минимум ва иккита максимум қийматларга эга. Бу экстримум қийматлар триэтиламин молекулаларининг цеолит сиртида сорбцияланишига қарамай цеолит таркибидаги катионлар миқдorigа боғлиқ равишда ўзгаради. Энтропия ўзгаришининг ўртача қиймати -15 Ж/моль·К га тенг бўлиб, бу қиймат триэтиламин молекулаларининг ҳаракатчанлигини етарлича чекланганини англатади.

6(б)-расмда $\text{NH}_4\text{ZSM-5}$ цеолитида триетиламин молекулаларининг адсорбцияси мувозанат вақти келтирилган. Адсорбция мувозанат вақти ўзгариши 1,2 ммоль/г адсорбция миқдоригача энергетик тавсифлар ўзгаришига мос келади.

Диссертациянинг «**AgZSM-5** цеолитида сув ва н-гексан адсорбциясининг асосий термодинамик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида AgZSM-5 цеолитида сув ва н-гексан молекулалари адсорбция термодинамикаси таҳлили батафсил баён қилинган.

7(а)-расмда AgZSM-5 цеолитида сув адсорбцияси дифференциал иссиқлиги графиги келтирилган. Кичик тўйиниш соҳасидаги адсорбция дифференциал иссиқлиги ~ 124 кЖ/моль га тенг. Адсорбция миқдори ортиши билан иссиқлик кескин камайиб боради ва $\sim 0,3$ ммоль/г да 78 кЖ/моль га тенг бўлади, яъни биринчи координацион сферада 1:1 нисбатдаги $1\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ мономер ион-молекуляр механизмини ҳосил қилади. Кейинги сув молекулалари адсорбциясида дифференциал иссиқлик сув молекулаларининг катионларда қайта тақсимланиши ҳисобидан дастлаб 78 кЖ/моль дан 82 кЖ/моль гача ортади, сўнг кетма-кет $2\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ димер ва $3\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ тример ион-молекуляр комплекслар ҳосил бўлишида дифференциал иссиқлик 68,5 кЖ/моль гача камаяди.



7-расм. AgZSM цеолитида 303 К ҳароратда сув буғи адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (а) ва изотермаси (Δ -эксперимент қийматлари, \blacktriangle -МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б)


Тетрамер $4\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ ҳосил бўлишида адсорбция иссиқлиги дастлаб 69,5 кЖ/моль гача ортиб поғона ҳосил қилади ва 56 кЖ/моль гача кескин камаяди. $4\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ комплекси ҳосил бўлганидан кейин ҳам адсорбция иссиқлиги ~ 2 кЖ/моль га ортади. 1,52 ммоль/г адсорбция миқдорида 53 кЖ/моль энтальпия қийматида $5\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ пентамер, 60 кЖ/моль гача дифференциал иссиқлик ортиб поғона ҳосил қилиб $6\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ гексамер, 65 кЖ/моль гача ортиб $7\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ гептамер, адсорбция иссиқлиги 55 кЖ/моль гача камайиб $8\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ октамер ва адсорбция энтальпияси 2 кЖ/моль га ортиб, яъни 57 кЖ/моль қийматда $9\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ наномер ион-молекуляр механизм билан биринчи координацион сферадаги адсорбцияланиш жараёни тугайди.

Адсорбция дифференциал иссиқлигидаги ҳар бир ҳосил бўладиган поғона ёки экстримумлар битта ион-молекуляр комплекснинг тугашига мос келади. $9\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ (2,74 ммоль/г) ион-молекуляр комплекс ўз ҳажми билан фақат цеолитнинг тўғри ва синусоидал каналлари кесишган қисмида сиғиши мумкин. Каналларнинг кесишган қисми марказида жойлашган ҳар бир Ag^+ катионларининг ташқи атрофида 18 та водород атомлари ва 9 та кислород атомлари ўрам ҳосил қилади. Цеолитнинг битта элементар ячейкасида ўртача 1,72 та кумуш катионлари мавжудлигини ҳисобга олсак, цеолитнинг ҳар бир элементар ячейкасида $\sim 16\text{H}_2\text{O}/\text{э.я.}$ сув молекулалари тўғри келади.

7(б)-расмда логарифмик координаталарда AgZSM-5 цеолитида сув адсорбциясининг мос изотермаси келтирилган ва у энергетик маълумотларни тасдиқлайди. AgZSM-5 цеолитида сув адсорбцияси изотермаси ҳам уч хадли МХТН тенгламаси ёрдамида тўлиқ тавсифланади:

$$a=0,837\exp[-(A/16,84)^3]+4,153\exp[-(A/7,53)^2]+0,650\exp[-(A/0,39)^1]$$

AgZSM-5 цеолитида сув адсорбциясининг молли дифференциал энтропиясини (ΔS_a) тўйиниш билан боғлиқлиги 8(а)-расмда келтирилган (ноль сифатида суяқ фаза ҳолатидаги энтропияси қабул қилинган). Бошланғич соҳада адсорбция миқдори 0,31 ммоль/г гача ўзгаришида энтропия -130 Ж/моль·К дан -65 Ж/моль·К гача кескин ортиши мономер $1\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ ион-молекуляр комплекс ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Сўнг энтропия тўлқинсимон ўзгариб кетма-кет ди-, три-, тетра-, -пента, -гекса, -гепта, -окта ва наномер $9\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ ион-молекуляр комплексларни ҳосил қилиб биринчи координацион сферадаги сорбцияланиш тугайди. Ўртача энтропия ўзгариши -21 Ж/моль·К га тенг ва бу AgZSM-5 цеолитида сув молекулалари мустаҳкам ион-молекуляр комплекс ҳосил қилганини кўрсатади.




8-расм. AgZSM цеолитида 303 К ҳароратдаги сув буғи адсорбция энтропияси (а) ва иссиқлик мувозанат вақти (б)

Адсорбция мувозанати вақтининг бошланғич соҳасида 11,8 соатдан бошланиб, дастлаб ~ 12 соатгача ортиб, $1\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ ион-молекуляр комплекс ҳосил бўлишида 8,5 соатгача камаяди (8(б)-расм). Сўнг иккинчи максимум ва минимум ҳосил қилиб $2\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ комплексида иссиқлик мувозанат вақти етти соатгача камаяди. $3\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ комплексида мувозанат вақти ~ 4 соатгача камайиб дифференциал иссиқликка мос бўлган поғона ҳосил қилади, $4\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ механизми ҳосил бўлишида 2,5 соатгача камаяди. Кейинги сув

молекулалари адсорбциясида мувозанат вақти тўлқинсимон кўринишда ўзгаради. $9\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ сорбцион механизмгача иссиқлик мувозанат вақтининг ўзгариши дифференциал иссиқлик ва энтропия ўзгариши билан тўла мос келади. Цеолитнинг катионсиз қисми, яъни тўғри ва синусоидал каналларда адсорбция мувозанат вақти ўртача 2,5 соат билан тўлқинсимон ўзгариб $18\text{H}_2\text{O}:\text{Ag}^+$ да деярли нолгача камаяди.

AgZSM-5 цеолитида н-гексан адсорбциясининг дифференциал иссиқлиги кичик тўйинишларда (0,05 ммоль/г) 93 кЖ/моль дан 0,14 ммоль/г да 88 кЖ/моль гача камаяди (9(a)-расм), адсорбция миқдори 0,29 ммоль/г га тенг бўлганда дифференциал иссиқлик ~ 90 кЖ/моль гача ортиб, цеолитнинг биринчи координацион сферасида, яъни кумуш катионлари билан 1:1 (молекула/катион) нисбатдаги мономер $1\text{C}_6\text{H}_{14}:\text{Ag}^+$ ион-молекуляр комплексини ҳосил қилади. Адсорбция иссиқлиги тўйинишнинг ортиши билан 0,46 ммоль/г да 85 кЖ/мольга тенг бўлади. Димер $2\text{C}_6\text{H}_{14}:\text{Ag}^+$ комплекс ҳосил бўлишида 0,6 ммоль/г адсорбция миқдорида дифференциал иссиқлик 89 кЖ/моль гача ортади. 0,9 ммоль/г адсорбция миқдорида тример $3\text{C}_6\text{H}_{14}:\text{Ag}^+$, 1,2 ммоль/г да тетрамер $4\text{C}_6\text{H}_{14}:\text{Ag}^+$ иссиқлик миқдори деярли ўзгармайди ва 1,5 ммоль/г да пентамер $5\text{C}_6\text{H}_{14}:\text{Ag}^+$ комплексини ҳосил бўлишида дифференциал иссиқлик 68 кЖ/моль гача камаяди.




9-расм. AgZSM-5 цеолитида 303 К ҳароратда гексан адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (a) ва изотермаси (Δ -эксперимент қийматлари, \blacktriangle -МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б)

AgZSM-5 цеолитларида н-гексан адсорбция изотермалари логорифмик координаталарда 9(б)-расмда келтирилган. Бошланғич соҳадан 1,5 ммоль/г адсорбциягача босимнинг ўзгариши тажриба асосида олинган 137 мм.см.уст. нинг 0,21% ни ($0,046 \div 0,3$ мм.см.уст. гача) ташкил этади. Адсорбция изотермаси 1,5 ммоль/г гача тик юқорига кўтарилади, яъни кумуш катиони ва н-гексан кетма-кет равишда моно-, димер-, тример-, тетрамер- ва пентамер $5\text{C}_6\text{H}_{14}:\text{Ag}^+$ ион-молекуляр комплекслар ҳосил бўлади. AgZSM-5 , цеолитида н-гексан адсорбция изотермаси 3 ҳадли МХТН тенгламаси билан тавсифланади:

$$a = 0,679 \exp[-(A/20,23)^{20}] + 0,738 \exp[-(A/19,96)^{60}] + 0,992 \exp[-(A/4,83)^1]$$

AgZSM-5 цеолитида н-гексан адсорбциясининг молли дифференциал энтропияси 10(а)-расмда келтирилган. Энтропия ўзгариши тўлқинсимон кўринишда бўлиб адсорбция дифференциал иссиқлиги ва изотермасига мос келади. Адсорбция энтропияси ўзгариши -77 Ж/моль·К дан бошланиб ($0,3$ ммоль/г) чизикли -89 Ж/моль·К гача камаяди. Бу адсорбция қиймати мономер $1C_6H_{14}:Ag^+$ га мос келади. Сорбцион тўйиниш билан энтропия -125 Ж/моль·К гача камайд $0,6$ ммоль/г адсорбция микдорида димер $2C_6H_{14}:Ag^+$ молекуляр механизм ҳосил қилади. $1,2$ ммоль/г адсорбция микдори ва -135 Ж/моль·К да тетрамер комплекс ҳосил бўлади. Сўнг энтропия $1,5$ ммоль/г адсорбцияда -50 Ж/моль·К гача ортиб пентамер $5C_6H_{14}:Ag^+$ ион-молекуляр механизмини ҳосил қилиб биринчи координацион сферада сорбцияланиш тугайди.




10-расм. AgZSM-5 цеолитида 303 К ҳароратда гексан энтропияси (а), мувозанат вақти (б)

10(б)-расмда AgZSM-5, цеолитига н-гексан адсорбциясининг термокинетикаси келтирилган. Ag^+ZSM-5 цеолитида дастлабки тўйинишларда адсорбция мувозанат вақти $6,2$ соат давом этади. Тўйинишнинг ортиши билан мувоанат вақти $0,2$ ммоль/г адсорбция микдорида $3,8$ соатгача кескин тушади. $0,3$ ммоль/г адсорбция микдорида поғона билан $1:1$ нисбатдаги мономер $1C_6H_{14}:Ag^+$ механизм ҳосил қилиб мувозанат вақти $3,2$ соатгача камаяди. Димер $2C_6H_{14}:Ag^+$ комплекс ҳосил бўлишида мувозанат вақти 4 соатгача ортади. Тример $3C_6H_{14}:Ag^+$ ва тетрамер комплексда иссиқлик мувозанат вақти 4 соатдан $2,75$ ва $2,4$ соатгача камаяди. Пентамер $5C_6H_{14}:Ag^+$ комплекс ҳосил бўлиши қийинлашганлиги сабабли мувозанат вақти деярли 3 соатгача ортади.

Диссертациянинг «AgZSM-5 цеолитида бир атомли спиртлар адсорбциясининг асосий термодинамик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида AgZSM-5 цеолитида метанол ва этанол молекулалари адсорбцияси изотермаси, дифференциал иссиқлиги (Q_d), энтропияси (S_d) ва термокинетикаси (τ) ёритилган.

11(а)-рамда Ag^+ZSM-5 цеолитида метанол адсорбциясининг дифференциал иссиқлиги келтирилган. Бошланғич соҳасида адсорбция дифференциаль энтальпияси $0,04$ ммоль/г адсорбция микдорида 120 кЖ/моль га тенг. Адсорбция микдори ошиши билан энтальпия $0,37$ ммоль/г адсорбция микдорида 78 кЖ/моль гача камаяди. $0,5$ ммоль/г адсорбция ва 79 кЖ/моль


иссиқликда поғона ҳосил қилиб, 0,84 ммоль/г адсорбцияда дифференциал иссиқлик 54 кЖ/моль гача кескин камаяди. Сорбцион ҳажмнинг тўйиниши билан дифференциал иссиқлик 1,05 ммоль/г адсорбцияда 63 кЖ/моль гача дастлаб кўтарилиб 1,5 ммоль/г адсорбцияда 49 кЖ/моль гача камайиб пентамер $5\text{CH}_3\text{OH}:\text{Ag}^+$ ион молекуляр механизм билан биринчи координацион сферада адсорбция тугайди.



11-расм. AgZSM-5 цеолитида 303 К ҳароратда метанол адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (а) ва изотермаси (Δ-эксперимент қийматлари, ▲-МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар)

11(б)-расмда логарифмик координаталардаги AgZSM-5 цеолити метанол адсорбциясининг мос изотермалари келтирилган ва у энергетик маълумотларни тасдиқлайди. AgZSM-5 цеолитида метанол адсорбцияси изотермаси уч ҳадли МХТН тенгламаси ёрдамида қисман чекланиш билан тўлиқ тавсифланади:

$$a = 1,097 \exp[-(A/15,68)^6] + 1,928 \exp[-(A/12,42)^5] + 2,441 \exp[-(A/4,05)^1]$$




12-расм. AgZSM цеолитида 303 К ҳароратда метанол адсорбцияси энтропияси (а), мувозанат вақти (б)

AgZSM-5 цеолитида метанол адсорбциясининг молли дифференциал энтропиясини (ΔS_a) тўйинишга боғлиқлиги 12(а)-расмда келтирилган. Сорбцион тўйинишнинг бошланғич соҳасидан тўла тўйиниш қисмигача энтропия ўзгариши суюқ метанол энтропиясидан пастда жойлашган, бу цеолитда метанол молекулалари ҳаракатчанлиги чегараланганлигини билдиради. Ўртача энтропиянинг ўзгариш қиймати $-65 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ га тенг

бўлиб, бу метанол молекулаларининг суёқ-қаттиқ ҳолатдаги чегарасидаги энтропия қийматига тенг.

Адсорбция мувозанатининг бошланғич соҳасида 8,5 соатдан бошланиб (12(б)-расм) дифференциал иссиқлик, энтропия ва изотерма ўзгаришларига мос келади. 0,3 ммоль/г адсорбциягача, яъни мономер $1\text{CH}_3\text{OH}:\text{Ag}^+$ комплекс ҳосил бўлишида адсорбция мувозанти вақти 8,5 соатдан 7 соатгача камайиб поғона ҳосил қилади. 0,6 ммоль/г адсорбция микдоридаги димер $2\text{CH}_3\text{OH}:\text{Ag}^+$ комплекси ҳосил бўлишида адсорбция мувозанат вақти 5,5 соатгача камайиб кичик эгилиш ҳосил қилади. Сўнг 0,9 ммоль/г адсорбцияда мувозанат вақти 4,5 соатгача камайиб тример $3\text{CH}_3\text{OH}:\text{Ag}^+$, 1,2 ммоль/г адсорбция микдорида тетрамер $4\text{CH}_3\text{OH}:\text{Ag}^+$ комплекс ҳосил бўлиши жараёнида адсорбция мувозанат вақти 4 соатгача ва биринчи координацион сферадаги охириги пентамер $5\text{CH}_3\text{OH}:\text{Ag}^+$ ион-молекуляр комплекс ҳосил бўлишида адсорбция мувозанат вақти 3,5 соатгача камайиб иккинчи поғонани ҳосил қилади. 4,91 ммоль/г адсорбцияда адсорбция мувозанат вақти 0,75 соатгача камайиб сорбцион жараён тўла тугайди.




13-расм. AgZSM цеолитида 303 К ҳароратда этанол адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (а) ва изотермаси (Δ -эксперимент қийматлари, \blacktriangle -МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б)

